

иккови болалади, буниси қўзилади, бири водий тўла туялик, бири водий тўла моллик, бири эса водий тўла қўйлик бўлди. Кейин у (фаришта) песнинг сурати ва кўринишида песнинг олдига келиб, «Бир мискин одамман. Сафаримда барча сабаблар узилди. Бугун (манзилимга) етиб олишим аввало Аллоҳга, сўнг сенга боғлиқ бўлиб турибди. Сенга чиройли ранг, чиройли тана ва мол берган Зот ҳаққи, манзилимга етиб олиш учун бир туя сўрайман», деди. У: «(Зиммамда) ҳақлар кўп», деди. (Фаришта) «Мен сени танигандекман. Сен одамлар жирканадиган пес эмасмидинг? Фақир эмасмидинг? Кейин Аллоҳ сенга ато қилибди-ку?» деди. У: «Йўқ, мен бу мол-дунёни ота-бобомдан мерос қилиб олганман», деди. (Фаришта) «Агар ёлғон гапирган бўлсанг, Аллоҳ аввалги ҳолатингга қайтариб қўйсин!» деди. Кейин у калнинг олдига унинг сурати ва кўринишида келиб, унга ҳам песга айтган гапларини айтди. Кал ҳам пес жавоб бергандек жавоб берди. (Фаришта) «Агар ёлғон гапирган бўлсанг, Аллоҳ аввалги ҳолатингга қайтариб қўйсин!», деди. Кейин у кўрнинг олдига унинг сурати ва кўринишида келиб, «Бир мискин, мусофир одамман. Сафаримда барча сабаблар узилди. Бугун (манзилимга) етиб олишим аввало Аллоҳга, сўнг сенга боғлиқ бўлиб турибди. Кўзларингни кўрадиган қилиб қўйган Зот ҳаққи, манзилимга етиб олиш учун бир қўй сўрайман», деди. У: «Мен бир кўр эдим. Аллоҳ менга кўзимни қайтариб берди. Хоҳлаганингни олиб, хоҳлаганингни қолдир. Аллоҳга қасамки, бугун Аллоҳ йўлида қанча олсанг ҳам парво қилмайман», деди. (Фаришта) «Молинг ўзингга буюрсин. Сизлар имтиҳон қилиндингиз, холос. Сендан рози бўлинди, анави икки шеригингга эса ғазаб қилинди», деди».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI